

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1959-ҳадис

1959/5991 – عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ:
«لَيْسَ الْوَاصِلُ بِالْمُكَافِي، وَلَكِنَّ الْوَاصِلُ الَّذِي إِذَا قَطَعَتْ رَحْمَةُ وَصَلَهَا».

1959.5991. Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Силаи раҳм қилувчи - бу мукофотловчи эмас! Балки қариндошчилик узиб қўйилганда уни боғлаган киши ҳақиқий силаи раҳм қилувчидир!» дедилар».

Изоҳ: «Мукофотловчи» дегани бу ерда қилганига яраша жавоб қайтарувчи, саломга яраша алик оладиган деганидир, яъни яхшилик қилган қариндошига яхшилигига яраша жавоб қайтариб, борди-келди қилганлар билангина алоқа қилиб юрган киши силаи раҳм қилувчи одам ҳисобланмайди.

Манба: hadis.islom.uz

